

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ
ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

И. Каримов, К. Ж. Туленова,
Э. М. Иззетова, И. Хакимов

**«Фалсафа», «Миллий ғоя» ва «Фан методологияси»
фанларидан аспирантлар ҳамда мустақил тадқиқотчилар
учун методик қўлланма**

Тошкент – 2011

Тузувчилар: - ф.ф.д., проф. И.Каримов
ф.ф.д., проф. К.Ж.Туленова
ф.ф.д., проф. Э.М.Иззетова
ф.ф.н., проф. И.Хакимов

Такризчилар – ф.ф.д., проф. Маматов М.
ф.ф.н., проф. Валиева С.И.

Низомий номидаги ТДПУ Илмий Кенгашининг 2011 йил
30-апрелдаги - № 11-сонли қарорига биноан нашрга тавсия
этилган.

МУҚАДДИМА

Миллий мустақиллик йилларида мамлакатимиз тараққиётининг ўзбек модели тамойиллари негизида асрларга тенг бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Жамиятимиз барча соҳаларидаги оламшумул ўзгаришларни жаҳон ҳамжамияти эътироф этмоқда. Ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш, фуқаролик жамияти шаклланишига йўл очиш ва бозор иқтисоди муносабатларига босқичма-босқич ўтиш муаммолари халқимиз дунёқарашида тубдан ўзгаришлар бўлиши, эски ақидалардан тамоман воз кечиш, миллий ғоя ва мафкура таъсирчанлигини ошириш ва маънавиятни юксалтиришни тақоза этмоқда. Бунда ижтимоий фанлар алоҳида ўрин тутди. Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек, «Кўп асрлик тарихимиз шуни кўрсатадики, инсон дунёқарашининг шаклланишида маърифатнинг, хусусан ижтимоий фанларнинг ўрни бекиёс. Бу жамиятшунослик бўладими, психология ёки иқтисод бўладими – уларнинг барчаси одамнинг интеллектуал камолотга эришувида катта таъсир кучига эга»¹

Ижтимоий воқеликдаги туб ўзгаришлар илмий-тадқиқот ишларига ҳам жиддий ёндошувни, унинг назарий ва методологик жиҳатлари мукамал бўлишини тақозо этади. Ана шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 1993 йил 11/3 рақамли қарорида «Фалсафа ва фаннинг методологик муаммолари» таҳсили бўйича, 2001 йилдаги 014-сонли қарори билан «Фалсафа, миллий истиқлол ғояси ва фан методологияси» дан аспирантлар ва тадқиқотчилар номзодлик имтиҳони топширишлари шартлиги таъкидланди.

Маълумки, ўтган давр мобайнида ижтимоий воқеликдаги ўзгаришлар билан ҳамоҳанг тарзда фалсафий фикрларда, жумладан, миллий ғоя ва мафкура масаласида янгича ёндашувлар вужудга келди. Президент Ислом Каримовнинг **2006 йил 25 августда** «Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида» қабул қилган қарори муносабати билан янги структуравий ўзгаришлар, айниқса ёт ғояларга қарши курашда миллий ғоя тарғиботи таъсирчанлигини ошириш масаласи кун тартибига қўйилди.

Ушбу методик қўлланма 2007 йилда нашр этилган матннинг янги таҳрири бўлиб, кейинги йиллардаги ҳаётимизда бўлган ўзгаришлар ҳам имкон қадар эътиборга олиниб, аспирантлар, мустақил тадқиқотчилар ҳамда аспирантурага кирувчилар умумий йўналиш (ориентир) олишлари учун мўлжалланган. Зеро, етарли назарий билим ва илмий методологик ёндошувлар ёш тадқиқотчиларнинг илмий изланишлар олиб боришларида муҳим ўрин тутди.

Қўлланма аспирантурага кирувчиларнинг кириш имтиҳонларини топширишлари ҳамда аспирант ва мустақил тадқиқотчиларнинг номзодлик имтиҳонларидан муваффақиятли ўтишларига ёрдам бериш мақсадида тайёрланди. Зеро, замонга ҳамоҳанг тарзда барча ижтимоий фанлар, жумладан

¹ Ислом Каримов. Миллий истиқлол мафкураси – халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир// Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз. Т.8. Т.: «Ўзбекистон» нашр., 2000. 504-бет.

фалсафа, миллий ғоя ва фан методологияси фанлари ҳам жамиятда бўлаётган ўзгаришларни ўзида акс эттиради ва айти пайтда ўзи ҳам янада такомиллашиб, мукаммаллашиб боради. Ҳозирги Ноосфера даври ва глобаллашув жараёнида фан тараққиёти инсон турмушининг иқтисодий, сиёсий, маданий, интеллектуал соҳаларида туб ўзгаришлар бўлишини тақоза этмоқда, инсон фаолияти учун тамомила янги муҳит шаклланимоқда. Фан тобора таълим тизимининг барча бўғинларида ҳукмрон мавқега эга бўлиб бормоқда. Бу жараёнда Ватанимиз ва хорижий мамлакатларда тарихан қўлга киритилган билимларга таяниш муҳимдир. Шу сабабли аспирант ва изланувчиларни халқаро стандартлар талабларига мос келадиган олий малакали илмий кадрлар қилиб тайёрлаш, уларда илмий –фалсафий дунёқарашни шакллантириш, фалсафий тафаккур маданиятини такомиллаштириш ва умумлашган фалсафий ҳулосалар чиқариш санъатини эгаллашлари ҳозирги кун учун долзарб масаладир.

Қўлланмада тадқиқотчилар қуйидагиларга алоҳида эътибор қаратишлари таъкидланади:

- фалсафа фанини жаҳон маданияти ва цивилизациясининг муҳим таркибий қисми сифатида ўрганиш;
- фалсафий ғоялар, муаммолар, оқим ва йўналишларни тавсифлашда умуминсоний ва миллий қадриятларнинг уйғунлиги тамойилига амал қилиш;
- хилма-хил фалсафий оқим, таълимот ва турли қарашларни илмий билимлар тизими сифатида ҳолис талқин этиш;
- мавзуларни аниқ шароит ва жараёнлар билан боғлаб тавсифлаш, уларни изоҳлашда умумбашарий ва миллий миқёсдаги далил ва мисолларга таяниш;
- ҳар бир мавзунини Ўзбекистонда амалга оширилаётган туб ислохотлар билан узвий боғлаш ва ҳ.к.

Муҳими, бу жараёнда бирон-бир ғоя, оқим, йўналиш ёки фалсафий таълимотни мутлоқлаштириб, бошқаларининг аҳамиятини камситиш каби «синалган» усулдан воз кечиш ҳамда уларнинг барчасини ҳолис талқин қилиш, фалсафага ўз тадқиқот соҳаси (объекти) ва предметига ҳамда бой категориялар базага эга фан сифатида ёндошиш орқали бирон-бир фалсафий оқим унинг ўрнини эгаллаб, мафкура воситасига айланиши учун имконият қолдирмаслиқдир. Соатлар тақсимоотида «Фалсафа, Миллий ғоя ва Фан методологияси» фанларидан номзодлик имтиҳони учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг **1994 йил 5 майдаги 289-С** сонли буйруғи асос қилиб олинди. Бу буйруқда аспирантлар ва мустақил тадқиқотчилар албатта шу уч фаннинг битта мавзусини танлаб, реферат ёзишлари лозимлиги таъкидланган.

Қўлланмада фалсафа фани қонунлари, категориялари, тушунчалари ва услуб (метод)ларини жиддий ўрганиш тавсия этилади. Ана шундагина тадқиқотчида фалсафий фикрлаш маданияти шаклланади, унинг тадқиқотлари фалсафий умумлашмалар ва ҳулосалар билан мазмунан бойийди, илмий салоҳияти ошади, бинобарин, ижтимоий ҳодисаларга ғайриилмий ёндашувлар йўли тўсилади.

Ушбу методик қўлланма Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Президиумининг 2007 йил 28 июндаги 136/4 сонли қарори билан тасдиқланган «Фалсафа, Миллий истиқлол ғояси ва Фан методологияси» тахсили бўйича аспирант ва тадқиқотчилар учун «Намунавий Дастур» асос қилиб олинган.

Маълумки, фалсафа ва миллий ғоя фанлари дунёқараш мақомига эга бўлгани сабабли, улар табиийётшунослик, техникашунослик, ижтимоий-гуманитар фанлар тадқиқотчилари учун методологик асос бўлиб хизмат қилади. Аспирантлар ва мустақил тадқиқотчилар фалсафа фани категориялари, қонунлари, илмий-фалсафий билиш услуб (метод)ларини чуқур ўзлаштириб, улардан илмий ишларида фойдаланиш малакасини ўзларида ҳосил этганларидагина тайёрлаган диссертациялари ҳозирги юксак талаблар даражасида бўлиши мумкин. Зеро, таълим тизими ҳар доим ёшларга чуқур билим бериш, уларга ғоявий таъсир кўрсатиш, муайян дунёқараш негизида имон-этиқодли кадрлар бўлиб камол топишларига хизмат қилиб келган.

Тадқиқотчиларнинг миллий ғоя ва мафкура доирасида етарли билимга эга бўлишлари уларнинг тадқиқотлари мазмунига ижобий таъсир кўрсатади, бинобарин, ўз тадқиқотлари билан мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлашга ҳисса қўшадилар. Фан методологияси доирасидаги билимларга таянган ҳолда ҳар бир ихтисослик фанига доир фалсафий муаммоларни англаб олиш орқали тадқиқотчилар ўз ихтисосликлари моҳиятини янада чуқур англаб оладилар.

Тадқиқотчилар илмий ишларга ўзларининг нечоғлик тайёр эканликларини реферат ёзиш орқали намоён эта оладилар. Реферат илмий-ижодий иш сифатида бўлажак олимнинг тадқиқоти учун ҳам назарий, ҳам методологик жиҳатдан тайёргарлик даражасини кўрсатади. Айни чоғда у тадқиқотчининг илмий адабиётлардан ижодий фойдалана олиш малакасини ҳамда муайян мавзу доирасида илмий-фалсафий мушоҳада юрита олиш кўникмаси қай даражада эканини аниқлаш имконини беради.

Тадқиқотчи реферат мавзусини «Фалсафа» кафедрасидан олади. У олган мавзу журналда кайд этилади. Тадқиқотчи имтихондан камида 15 кун аввал рефератнинг мукаммал нусхасини кафедрага топшириши шарт. Чунки рефератларни ўқиш, керак бўлса, тузатиш учун муддат албатта зарур. Акс ҳолда тадқиқотчи имтихонга кира олмай, келгуси йилга қолиши мумкин. Реферат компьютерда ёзилади, ҳажми бир босма табоқ ҳажмида бўлади.

Тадқиқотчидан мавзуни ёритишга илмий-фалсафий ёндашув, мантикий изчиллик, адабиётлардан ўринли фойдаланиш, ғоявий жиҳатдан мукаммаллик, имло ва услубий хатога йўл қўймаслик ҳамда фан ахлоқига катъий риоя этиш талаб қилинади. Зеро бу, диссертация ёзишда керак буладиган кўникма ва малакани тарбиялайди. Шу сабабли имтихонда рефератларга қўйилган баҳолар ҳам инобатга олинади.

Тадқиқотчилар билимлари 100 балли тизимда баҳоланади: тадқиқотчи 86 дан 100 гача балл тўпласа – энг юқори балл («5» аъло), 71 дан 85 баллгача – юқори балл – («4» яхши), 55 дан 70 гача – ўрта балл («3» қониқрали), 54,9 баллдан пасти «2» (қониқарсиз) деб баҳоланади.

Аспирант ва тадқиқотчилар учун
«Фалсафа», «Миллий ғоя», «Фан методологияси»
 тахсиллари бўйича ўқув режаси мавзулари

т/р	МАВЗУЛАР	<i>Маъруза</i>	<i>Семинар</i>
I қисм: Фалсафа			
1.	Фалсафанинг фан сифатида шаклланиши, унинг тадқиқот предмети ва функциялари.	2	2
2.	Ноосфера-ақл соҳаси даври: янгича тафаккур тарзи ва дунёқарашга кучли эҳтиёж.	2	2
3.	Фалсафа тарихи	4	4
4.	Антропология ва жамиятнинг шаклланиши.	2	4
5.	Онтология ва унинг илмий-методологик муаммолари.	2	2
6.	Гносеология (онг, руҳият, билиш ва ҳақиқат)	2	4
7.	Фалсафа фани қонунлари	2	4
8.	Фалсафа фанининг жуфт категориялари.	2	6
9.	Методология ва илмий билиш методлари.	4	4
10.	Ўзбекистонда демократик давлат ва фуқаролик жамияти шаклланиши янги босқичда. (Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Олий Мажлиси қонунчилик палатаси ва Сенати қўшма мажлисидаги маърузаси асосида.	2	4
	Жами:	22	36
II қисм: Миллий ғоя ва мафкура			
1.	Ноосфера даврида тарафкашлик мафкурасининг ғайриинсоний моҳияти.	2	2
2.	Ҳозирги дунёнинг мафкуравий манзараси.	2	2
3.	Миллий ғоянинг тарихий ва фалсафий илдизлари.	2	4
4.	Миллий мафкура Ўзбекистон халқини ғоявий жипслаштириш ва мустақиллигини мустаҳкамлаш омили сифатида.	2	2
5.	Ғояга қарши ғоявий кураш олиб бориш тамойили ва ғоявий иммунитетни шакллантириш муаммоси.	2	4
6.	Ёшларда миллий ғурур, ифтихор ҳис-туйғуларини ривожлантиришда миллий мафкуранинг ўрни.	2	2
7.	Мафкуравий ижтимоий институтлар ва уларнинг ғоявий таъсир ўтказишдаги ўрни.	2	4

8.	Аҳолига ғоявий таъсир ўтказиш воситалари, шакллари ва усуллари.	2	4
	Жами:	16	24
III қисм: Фан методологияси			
1.	Фан, фалсафаси.	2	2
2.	Фаннинг вужудга келиши ва тараққиёт босқичлари.	2	2
3.	Фаншунослик, унинг предмети ва структураси.	2	2
4.	Фан ва дин муносабатларидаги янгича ёндашувлар.	2	2
5.	Фаннинг гносеологик муаммолари.	2	2
6.	Фалсафа, социология ва фан социологияси.	2	2
7.	Фан, сиёсат ва мафкура.	2	2
8.	Фан ахлоқи ва тадқиқотчининг ижтимоий маъсулияти.	2	2
	Жами:	16	16
	Жами:	56	70

1-намуна

Реферат тайёрлаш тартиби

Реферат ёзишда унинг титул varaқасига алоҳида эътибор бериш лозим. Титул varaқасини қуйидагича шаклда бўлиши тавсия этилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва Ўрта
махсус таълим вазирлиги
Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университети

«Фалсафа» кафедраси

РЕФЕРАТ

Мавзу: «Мафкуравий жараёнларнинг глобаллашуви: унинг ижобий
ва салбий оқибатлари»

Бажарди: С.Аҳмедов
2-йил аспиранти (тадқиқотчиси)
Мутахассислик: Тарих

Тошкент-2011 йил

2-намуна:

Рефератнинг 2-саҳифаси (3-бети)да унинг мавзуси ва ишнинг режаси қуйидагича тартибда ифодаланади (мисол учун):

Мафкуравий жараёнларнинг глобаллашуви: унинг ижобий ва салбий оқибатлари.

Режа:

Кириш.

I боб. _____

1.1. _____

1.2. _____

II боб. _____

2.1. _____

2.2. _____

Хулоса.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

3-намуна:

Фойдаланилган адабиётлар рўйхатини тузиш тартиби:

- а) расмий манбаълар;
 - б) фалсафа фани классиклари;
 - в) монографиялар;
 - г) дарслик ва ўқув қўлланмалар;
 - д) тўпламлар;
 - ж) журнал ва газеталардан олинган илмий мақолалар;
 - к) диний адабиётлар;
 - л) мультимедия иловалари;
 - м) Интернет сайти.
- Адабиётлар рўйхати 20 тадан кам бўлмаслиги керак.

**«Фалсафа», «Миллий ғоя», «Фан методологияси»
курслари бўйича номзодлик имтиҳони топширувчилар
учун имтиҳон саволлари.**

I. Фалсафа фани буйича

1. Илмий-фалсафий дунёқараш ва унинг ижтимоий тараққиётга таъсири.
2. Ўзбекистонда фалсафани фан сифатида ўрганиш зарурати.
3. Фалсафада миллийлик ва умуминсонийлик муносабатлари.
4. Жаҳон фалсафаси тараққиётида Марказий Осиё мутафаккирларининг тутган ўрни.
5. Фалсафанинг жамият тараққиётидаги ўрни.
6. Фалсафанинг бошқа фанларга таъсири, унинг дунёқарашлик ва методологик аҳамияти.
7. Ҳозирги даврда Ўзбекистонда илмий-фалсафий дунёқарашни шакллантириш муаммолари.
8. Каримов. И.А. ижтимоий-фалсафий билимларнинг янги тизимини яратиш зарурати тўғрисида.
9. Фалсафанинг инсон ва жамият ҳаётидаги ўрни, унинг вазифалари.
10. Фалсафий дунёқараш ва фалсафий тафаккур.
11. Марказий Осиёдаги энг қадимги фалсафий қарашлар.
12. «Авесто» тарихий-фалсафий ёдгорлик сифатида.
13. Хинд фалсафаси: Ведалар ва упанишадалардаги фалсафий қарашлар.
14. Қадимий Хитой фалсафаси: конфуцийчилик ва даосизм.
15. Антик дунё фалсафаси: асосий хусусиятлари ва жаҳон фалсафаси ривожига таъсири.
16. Юнонистон фалсафасининг классик даври: Сукрот, Афлотун, Арасту.
17. Марказий Осиё, Шарқ ва антик дунё фалсафасининг ўзаро алоқадорлиги ва бир-бирига таъсири.
18. Ал-Фарғоний ва унинг жаҳон фалсафасидаги тутган ўрни.
19. Форобий ва унинг жаҳон фалсафасида тутган ўрни.
20. Беруний ва жаҳон фани.
21. Ибн Синонинг илмий-фалсафий қарашлари.
22. Мирзо Улугбек ва унинг илмий мероси.
23. Тасаввуф ва комил инсон тарбияси муаммоси.
24. Соҳибқирон Амир Темурнинг «Темур тузуклари» да илгари сурилган ғоялар.
25. Алишер Навоийнинг адабий-фалсафий мероси ва фалсафий қарашлари.
26. Бобур ҳаёти ва ижоди. «Бобурнома» ва унинг аҳамияти.
27. Европа Уйғониш даври фалсафаси: Ж.Бруно, Н.Коперник.
28. Европа Янги давр фалсафаси: Ф.Бэкон, Т.Гоббс, В.Спиноза Ж.Локк.
29. XVIII аср француз фалсафаси ва маърифатчилиги.
30. Немис классик фалсафаси: И.Кант, Гегель, Л.Фейербах.
31. XVII-XVIII асрларда юртимизда шаклланган ижтимоий-сиёсий ва фалсафий фикрлар.
32. Туркистонда XIX аср охирлари ва XX аср бошларидаги фалсафий қарашлар.

33. Туркистонда жадиличлик ҳаракати: Бехбудий, Мунаввар қори, Фитрат, Чўлпон, А.Қодирий, А.Авлоний.
34. Собиқ иттифоқ ва тоталитаризм даври фалсафаси: хулоса ва сабоқлар.
35. Ҳозирги замон жаҳон фалсафаси: асосий таълимотлар ва йўналишлар.
36. Позитивизм фалсафаси: Пирс, Жеймс, Дьюи.
37. Экзистенциализм таълимоти: Кьеркегор, Сартр. Камю ва б.
38. Ғарб мамлакатларида жамият фалсафаси ва социология (О.Конт Сорокин, Поппер, Зиммел, Дерендорф, Парсонс ва б.).
39. XXI аср бошларида фалсафа ва унинг истиқболлари.
40. И.А.Каримов истиқлол даври фалсафаси ҳақида.
41. Тараққиёт тўғрисидаги фалсафий қарашлар.
42. Диалектика, метафизика, синергетика-оламни илмий билиш услублари. Билишнинг догматик, софистик ва эклектик услубларининг тарихан чекланганлиги.
43. Диалектик зиддиятчилик қонуни.
44. Инкорни инкор қонуни.
45. Микдор ва сифат ўзгаришларининг ўзаро ўтиш қонуни.
46. Фалсафий категориялар: бутун ва қисм, система, структура, элемент; айримлик, хусусийлик ва умумийлик.
47. Моҳият ва ҳодиса, мазмун ва шакл категориялари.
48. Сабаб ва оқибат; зарурият ва тасодифият категориялари.
49. Имконият ва воқелик категорияси.
50. Фалсафада одам-олам муносабатлари тушунчаси.
51. Борлиқ тушунчаси ва унинг моҳияти. Борлиқ шакллари.
52. Материя тушунчаси. Дунёнинг моддий бирлиги.
53. Ҳаракат тушунчаси. Ҳаракатнинг асосий шакллари.
54. Ҳазо ва вақт тушунчаси, унинг ўзаро боғлиқлиги.
55. Табиат, унинг фалсафий мазмуни.
56. Фалсафада ҳаётнинг маъноси масаласи.
57. «Табиат – жамият – инсон коэволюцияси» муаммоси.
58. Экологик онг. Экологик тарбия.
59. Фалсафада онг ва руҳият муаммоси.
60. Инсон онгининг табиий ва ижтимоий жihatлари: инъикос, ҳиссиёт, тасаввур, ирода, тафаккур, туйғулар, онглилик, онгсизлик муаммолари.
61. Информацион портлаш ва ахборот дунёсининг глобаллашуви муаммолари.
62. Индивидуал ва ижтимоий онг, уларнинг ўзаро муносабати.
63. Фалсафада билиш муаммоси.
64. Билишнинг босқичлари ва шакллари.
65. Билим. Илм. Ҳақиқат. Уларнинг фалсафий талқини.
66. Фалсафада қонун тушунчаси. Қонун ва қонуният.
67. Фалсафа ва фанда ҳақиқат муаммоси.
68. Ноосфера – Ақл соҳаси даври, одамзотнинг Она-табиат олдидаги маъсулияти.
69. Глобаллашув жараёни, унинг ижобий ва салбий оқибатлари.

- 70.«Оммавий маданият» ва миллий маданият, улардаги умумийлик ва тафовут.
- 71.Инкор категорияси. Ворислик масаласи.
- 72.Микдор, сифат, меъёр категориялари, улардаги ўзаро боғлиқлик.
- 73.Фалсафа фанининг тадқиқот объекти, предмети ва вазифа(функция)лари.
- 74.Фазо ва вақт материянинг яшаш шакли.
- 75.Табиатнинг фалсафий тушунчаси. «Иккинчи табиат».
- 76.Экологик муаммолар, уларни ҳал этиш йўллари.
- 77.Айният ва тафовут категорияси.
- 78.Зиддият ва қарама-қаршилик категориялари, улардаги умумийлик ва айримлик.
- 79.Инсоннинг ўзини-ўзи англаш муаммоси.
- 80.Миллат ва миллий ўзликни англаш.
- 81.Илмий билишнинг эмпирик даражаси, унда қўлланиладиган услублар. (метод)лар.
- 82.Илмий билишнинг назарий даражаси ва унда қўлланиладиган услуб(метод)лар.
- 83.Инсонда табиийлик ва ижтимоийлик. («Одам» ва «инсон» тушунчаларининг фалсафий мазмуни).
- 84.Одамзотнинг пайдо бўлиши ва эволюцион тараққиёти ҳақида ҳозирги замон фанлари.
- 85.Жамият ўзини-ўзи ташкилловчи, ўз-ўзини ривожлантирувчи тизим, унда инсон омилининг ўрни.
- 86.Индивид ва шахс тушунчалари, улардаги умумийлик ва тафовут.
- 87.Инсонда танлов эрки муаммоси.
- 88.Тарихий жараёнларнинг субъекти ва ҳаракатлантирувчи кучлари.
- 89.Ўзбекистоннинг мустақил тараққиёт йўли ва унинг ўзига хос хусусиятлари. Тараққиётнинг “ўзбек модели”.
- 90.Ўзбекистон мустақиллигини мустаҳкамлаш ва тараққиётнинг раво йўлини аниқлашда фалсафа фанининг ўрни.
- 91.Маънавиятнинг фалсафий тушунчаси. (Ислом Каримовнинг “Юксак маънавият-енгилмас куч” асари асосида).
- 92.Маданият ва цивилизация, уларнинг алоқадорлиги.
- 93.Фалсафанинг фан сифатида шаклланиши ва тараққиёт босқичлари.
- 94.Қадриятлар, уларнинг жамият ҳаётидаги ўрни.
- 95.Фалсафада ҳақиқат муаммоси.Ҳақиқат мезонлари.
- 96.Билиш. Илмий билиш.
- 97.Ижтимоий онг, унинг тузилиши. Ижтимоий онг даражалари ва шакллари.
- 98.Онгнинг моҳияти. Онг ва руҳият.
- 99.Марксча фалсафа: унинг қадрланиш ва қадрсизланиш сабаблари.
100. Ҳозирги замон жаҳон фалсафаси: асосий таълимотлар ва йўналишлар.
101. Илмий-техника инқилоби, унинг оқибатларини фалсафий англаш.

102. XXI асрда Ўзбекистон тараққиётининг асосий йўналишлари ва хусусиятлари (Президент И.А.Каримовнинг маърузалари асосида).
103. Мамлакатни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти шаклланишининг устивор вазифалари.(Президент И.А.Каримов маърузалари асосида)
104. Жаҳон молиявий иқтисодий инқирозга қарши чоралар дастурини амалга оширишда тараққиётнинг «Ўзбек модели» тамойилларининг ўрни ва аҳамияти.
105. Иқтисодиёт тармоқларини модернизация қилиш, техник, технологик янгилаш – Ўзбекистонда бозор иқтисодиёти муносабатларини чуқурлаштириш ва халқ фаровонлигини оширишнинг муҳим омили.
106. Миллий маданиятнинг барқарор ривожини таъминлаш – оммавий маданият салбий таъсирини олдини олишнинг муҳим шarti.
107. Мамлакатимизда атроф-муҳитни муҳофаза қилишда Ўзбекистон экологик ҳаракатининг ўрни.
108. Фуқаролик жамияти институтлари. Маҳалла, нодавлат, ноижорат ташкилотлар.
109. Оммавий ахборот воситалари фаолиятини эркинлаштириш, Интернет тармоғига кириш имкониятларини кенгайтириш – жамиятдаги янгилашниш ва тараққиётнинг муҳим омили.
110. Сиёсий партиялар фаолиятини кучайтириш – кучли фуқаролик жамиятини барпо этиш омили сифатида.
111. Глобаллашув. Молиявий иқтисодий глобаллашувнинг моҳияти. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг Ўзбекистонга таъсирини бартараф этиш чора-тадбирлари.
112. Мамлакатимизда шаклланаётган эркин фуқаролик жамияти.
113. Ўзбекистон Конституцияси демократик тараққиёт ва фуқаролик жамиятини барпо этишнинг ҳуқуқий пойдевори.
114. Ҳозирги замоннинг умумбашарий муаммолари.
115. Мамлакатимизда демократик ислохатларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси (Президент И.А.Каримов маърузаси асосида “Ozbekiston ovozi” газетаси, 13-ноябрь 2010-йил).
116. Давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш (Президент И.А.Каримов маърузаси асосида “Ўзбекистон Овози”газетаси, 2010-йил 13-ноябрь).
117. Суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ этиш – одил судловни таъминлаш йўлидаги кенг кўламли тадбир (Президент И.А.Каримов асарлари асосида).
118. Ўзбекистонда сайлов ҳуқуқи эркинлигини таъминлаш ва сайлов қонунчилигини ривожлантириш масаласи (Президент И.А.Каримов ...).
119. Фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш ва ривожлантириш (Президент И.А.Каримов....).
120. Демократик бозор ислохотларини ва иқтисодиётини либераллаштиришни янада чуқурлаштириш (Президент И.А.Каримов).

121. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси демократик ислохотларни ўтказиш ва чуқурлаштириш хизматида (Президент И.А.Каримовнинг Ўзбекистон Конституциясининг 18 йиллиги муносабати билан қилган маърузаси асосида.).
122. 2011йил- кичик бизнес ва тадбиркорлик йили, ундан кўзланган мақсадлар (Президент И.А.Каримовнинг Ўзбекистон Конституциясининг 18 йиллиги муносабати билан қилган маърузаси асосида.).

II. Миллий ғоя фани бўйича

1. Инсоният тарихида гоёларнинг ўрни.
2. Миллий ғоя миллат тафаккурининг маҳсули сифатида.
3. Мафкура тушунчаси ва унинг моҳияти.
4. Мафкура ва ижтимоий фикр, уларнинг ўзаро алоқадорлиги.
5. Миллий ғоянинг тарихий илдизлари.
6. Миллий ғоя таъсирчанлигини оширишда, улкан ақл-заковат, истеъдод эгалари меросидан ижодий фойдаланиш масаласи.
7. Ноосфера даврида миллий ғоя ва мафкура аҳамиятининг ортиб бориши.
8. Мафкуравий ижтимоий институтлар ва уларнинг ғоявий таъсир кўрсатиш имкониятлари.
9. Аҳолига ғоявий таъсир кўрсатиш воситалари, шакллари ва услублари.
10. Халқаро майдонда ғоявий ва информацион курашнинг кучайиб бораётгани.
11. Ҳозирги мураккаб ва таҳликали замонда маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш.
12. Ёшларимизни турли ғоявий хуружлардан химоя қилиш муаммоси.
13. Республика маънавият ва маърифат кенгашининг фаолияти ва таркибий тузилишини қайта кўриб чиқиш – замон талаби.
14. Мамлакатимизда миллий ғоя тарғиботини кучайтириш ва унинг самарадорлигини ошириш борасида амалга оширилаётган ишлар.
15. Республика маънавият тарғибот маркази ва унинг олдидаги вазифалар.
16. Алишер Навоий қарашларида миллий ғоянинг акс этиши.
17. Тасаввуф илгор ғояларининг миллий ғояни бойитувчи жихатлари.
18. Инсоният тарихида бунёдкорлик (эзгулик) ва вайронкор (ёвузлик) ғояларининг ўзаро кураши.
19. Соhibқирон Амир Темурнинг бунёдкорлик гоёлари, уларнинг миллий давлатчилигимиз тарихидаги ўрни.
20. Бузғунчи ғояларнинг гайриинсоний моҳияти.
21. Диний ақидапарастлик тинчлик ва тараққиётга таҳдид сифатида.
22. Президент И.А.Каримовнинг 2006 йил 25 августдаги «Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги фармони ва унинг ғоявий тарбиядаги ўрни.
23. Инсоният тарихида мафкуралар, уларнинг йўналишлари.
24. Мафкуранинг диний ва илмий-фалсафий илдизлари.

25. Турли динларда (хиндуизм, иудаизм, конфуцийчилик, зардўштийлик) миллий ғояларнинг ўзига хос ифодаланиши.
26. Олам, унда одамнинг ўрни тўғрисидаги масалага турли ёндашувлар ва уларнинг ғоявий асослари.
27. Атеизм ва теизм мафкуралари, уларнинг ўзига хос хусусиятлари.
28. Мафкуравий ақидапарастликнинг ижтимоий тараққиёт ва инсон камолига заволи.
29. Космополитизм ғоясининг моҳияти, хусусиятлари.
30. Тинчлик, тараққиёт ва адолат ғояларининг инсоният ва миллатлар ҳаётидаги ўрни.
31. Миллий ғояда инсонпарварликнинг акс этиши ва унинг жамият аъзоларини бирлаштирувчилик функцияси.
32. Ғоявий заифлик ва беқарорликнинг миллий бирдамлик ва миллатлараро тотувликка зарарли таъсири.
33. Собиқ коммунистик тузум мафкурасининг мустабидлик табиати ва унинг миллий онг ривожига салбий таъсири.
34. Президент И.А.Каримовнинг “фикрга қарши фикр, ғояга қарши ғоя, , жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш” ҳақидаги таълимоти ва унинг аҳамияти.
35. Миллий мафкуранинг фалсафий илдизлари.
36. Миллий мафкуранинг тарихий илдизлари.
37. Миллий мафкуранинг диний илдизлари. Дунёвий ва диний ғояларнинг маънавиятни қарор топтиришдаги ўзига хос роли.
38. Фикрлар ва қарашлар хилма-хиллиги (плюрализм) миллий мафкуранинг муҳим хусусияти сифатида.
39. Мафкурадан кўзланадиган асосий мақсадлар ва жамият аъзоларини шу мақсадлар йўлида ғоявий бирлаштириш функцияси.
40. Бугунги дунёнинг мафкуравий манзараси. Мафкура полигонларининг ядро полигонларидан ҳам кучлироқ бўлиб бораётганлиги.
41. Мафкуравий жараёнларнинг глобаллашуви: сабаблари ва оқибатлари.
42. Ҳозирги даврда геосиёсий мақсадлар ва уларда мафкуравий сиёсатнинг акс этиши.
43. Жаҳон майдонларини мафкуравий жихатдан бўлиб олишга уринишлар ва уларнинг оқибатлари.
44. Марказий Осиё минтақасидаги мафкуравий жараёнлар: асосий хусусиятлари ва йўналишлари.
45. Ижтимоий тараққиётнинг ўзбек модели, унда миллий ғоянинг акс этиши.
46. Ўзбекистоннинг жаҳондаги ўрни ва нуфузининг ошиб боришида миллий мафкуранинг ўрни.
47. «Ғоявий бўшлиқ», унинг жамият ҳаётига зарарли таъсири.
48. “Ғоявий иммунитет”, унинг ёт ва зарарли ғояларга қарши курашдаги ўрни. Ғоявий иммунитетни шакллантириш йўллари, воситалари шакллари.
49. Миллий мафкуранинг тарихий вазифаси.

50. Миллий мафкуранинг миллий ва умумбашарий қадриятларга таяниши.
51. Юксак маънавиятни қарор топтириш—давр талаби (Ислом Каримовнинг «Юксак маънавият – енгилмас куч» асари асосида).
52. Маънавиятни шакллантирадиган асосий мезонлар (Ислом Каримовнинг «Юксак маънавият – енгилмас куч» асари асосида).
53. Глобаллашув жараёнлари ва ғоявий таҳдидлар (Ислом Каримовнинг «Юксак маънавият – енгилмас куч» асари асосида).
54. Миллий мафкурада “Комил инсон” ғояси.
55. Миллатлараро тотувлик ва динлараро бағрикенглик (толерантлик) миллий мафкуранинг асосий тамойиллари сифатида.
56. Миллий ғоя моҳиятини ёшлар онги ва руҳиятига сингдиришда таълим тизимининг ўрни.
57. Маданий-маърифий муассасаларнинг миллий ғояни тарғиб этишдаги ўрни.
58. Оила мафкуравий ижтимоий институт сифатида.
59. Оммавий ахборот воситалари миллий ғояни тарғиб қилишнинг муҳим омили.
60. Инсон, унинг ҳуқуқ, эркинликлари ва манфаатлари – олий қадрият.
61. Инсоният тарихида ғояларнинг ўрни.
62. Миллий ғоя ва мафкура фанининг предмети, мақсади ва вазифалари.
63. Моддий ва маънавий ҳаёт ўртасидаги диалектик алоқадорлик (Ислом Каримовнинг «Юксак маънавият – енгилмас куч» асари асосида).
64. Миллий ғояни инсон онги ва қалбига сингдириш услублари, шакллари, воситалари.
65. Муайян дунёқараш билан боғлиқ маънавиятни қарор топтиришда мафкуранинг ўрни.
66. Мафкураларнинг ижтимоий ҳаётдаги асосий функциялари, мақсадлари.
67. Тинчлик, тараққиёт ва адолат ғояларининг инсоният ва миллатлар, халқлар ҳаётидаги ўрни.
68. Тараққиётнинг “Ўзбек модели”, уни ҳаётга татбиқ этишда миллий мафкуранинг ўрни.
69. Миллий ғояни миллий ўзликни англашдаги роли.
70. Миллий ғоя – халқ ишончи ва эътиқоди.
71. Ислом Каримовнинг «Юксак маънавият-енгилмас куч» асарида Миллий мафкура Бош ва асосий ғояларига янгича муносабат.
72. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози ва ундан чиқиш йўллари. (Президент И.А.Каримов асари асосида).
73. Ватан тараққиёти ва халқ фаровонлигини янада юксалтириш пировард мақсадимиз. Президент И.А.Каримов маърузаси асосида. («Халқ сўзи», 2010 й. 30 январь).
74. «Баркамол авлод йили» Давлат дастурининг мазмун моҳияти. («Халқ сўзи», 2010 й 28 январь).

III. Фан методологияси фани бўйича

1. Фан, фалсафа ва мафкура.

2. Фаннинг пайдо бўлиши ва ривожда Шарқ ва Ғарбнинг роли.
3. Фан тараққиётининг асосий давлари.
4. XXI аср фани; янги уфқлар ва муаммолар.
5. Ҳозирги замон фани ривождаги хусусиятлар: математикалашув, кибернетикалашув, компьютерлашув.
6. Фаншунослик, унинг предмети ва структураси.
7. Фаннинг умумий методологияси.
8. Фалсафа, социология ва фан социологияси.
9. Фан ва сиёсат.
10. Фан ахлоқи ва тадқиқотчининг ижтимоий маъсулияти.
11. Мумтоз (классик) ва ҳозирги замон фанининг ўзига хос хусусиятлари.
12. Фаннинг азалий мавзулари: олам, табиат, ҳаёт, инсон, жамият.
13. Фан янгиликлари ва илмий кашфиётларидан инсоният манфаати учун фойдаланиш муаммоси.
14. Фаннинг илмий-мантикий ва гносеологик муаммолари.
15. Фан мантиғи масалалари.
16. Фанда ижод муаммоси.
17. Кашфиётларнинг фандаги ўрни.
18. Фанда аксиологик муаммолар. Илмий қадриятлар.
19. Илмий билиш ва унинг ўзига хос хусусиятлари.
20. Фан методологияси муаммолари. Методология турлари: фалсафий, умум илмий, махсус илмий.
21. Олимнинг ахлоқий қадриятлари.
22. Фан ижод маҳсули сифатида.
23. Илмий кашфиётларнинг фан тараққиётидаги ўрни.
24. Араб-мусулмон оламида Уйғониш даври, унинг фан ривожда тутган ўрни.
25. Илмий билишда рационаллик ва иррационаллик.
26. Техника тушунчаси. Технологик концепциялар, уларнинг моҳияти.
27. Илмий тил ва унинг фандаги ўрни.
28. Фанда сунъий тил ва унинг аҳамияти.
29. Илмий ахборотларнинг глобаллашув муаммолари.
30. Фан тараққиётида дифференциация ва интеграция.
31. Илмий тадқиқотларда фалсафа фанининг роли.
32. Илмий методлар классификацияси.
33. Фан парадигмалари тушунчаси. Унинг ўзгариб бориши ҳақидаги концепциялар.
34. Илмий гипотеза ва башорат, уларнинг илм-фан ривождаги ўрни.
35. Тафаккур услуби, илмий тафаккур услуби.
36. Олам қонунларини фан тилида ифодалаш масаласи. Динамик ва статистик қонунлар.
37. Ғарбий Оврупо Уйғониш даври ва фаннинг мустақил тараққиёт йўлига кириб олиши.

- 38.Дунёнинг илмий манзараси тушунчаси. ХХІ асрда дунёнинг янги илмий манзараси.
- 39.Фанда устоз ва шогирдлик муносабатлари тарихи ва унга муносабат.
- 40.Фан ва жамиятни инсонпарварлаштириш муаммолари.
- 41.Фалсафий тафаккур услуги ва унинг шакллари.
- 42.Фан методологияси. Фалсафий методология тушунчаси. Фалсафанинг фан тараққиётидаги ўрни.
- 43.Фан ва жамият.
- 44.Синергетика фанлараро тадқиқот услуги сифатида.
- 45.Фан методологиясида тафаккур тарзи масаласи.
- 46.Чизиқли ва чизиксиз, жараёнлар, уларнинг хусусиятларини ўрганиш муаммоси.
- 47.Синергетика: “система”тушунчаси, очик ва ёпиқ системалар.

Аспирант ва тадқиқотчилар учун «Фалсафа», «Миллий ғоя», «Фан методологияси» фанларидан реферат мавзулари

1. Фалсафий тафаккур услуги, унинг ўзига хос жиҳатлари.
2. Дунёқараш ва ижтимоий тараққиёт диалектикаси.
3. Ўзбекистон истиқлоли ва ижтимоий тараққиёт концепцияси.
4. Кучли давлатдан кучли жамиятга ўтиш концепцияси: фалсафий таҳлил.
5. Фазо ва вақт материянинг яшаш шакли.
6. Мотурудийнинг фалсафий қарашлари.
7. Миллий ғоя ва мафкура: маъно ва моҳияти.
8. Жамият ривожига миллий ғоя ва мафкуранинг ўрни.
9. Фалсафа, миллий ғоя ва мафкура, улар ўртасидаги ўзаро алоқадорлик.
- 10.Кўп миллатли давлатда миллий ғоя ва мафкуранинг ўрни ва аҳамияти.
- 11.Мустақиллик, демократия ва мафкура: ўзаро таъсир.
- 12.Ўзбекистон мустақиллиги ва фалсафага фан сифатида ёндашув муаммоси.
- 13.Давлат ва жамият қурилишида фалсафий қарашларнинг ўрни.
- 14.Марксча фалсафа: унинг кадрланиш ва кадрсизланиш сабаблари.
- 15.Мустақиллик даври фалсафасининг хусусиятлари.
- 16.Фикрлар хилма-хиллиги (плюрализм) ва фалсафа фани.
- 17.Мустақилликнинг назарий ва фалсафий асослари.
- 18.Инсон ва унинг жамият ҳаётидаги ўрни.
- 19.“Одам” ва “Инсон” тушунчаларининг фалсафий маъноси .
- 20.Индивид ва шахс: фалсафий таҳлил.
- 21.Мифология, дин ва фалсафа-ўртасидаги тарихий алоқадорлик
- 22.Глобаллашув жараёнида фалсафий дунёқарашнинг ўрни.
- 23.Инсоннинг ўзини-ўзи англаши ва унинг моҳияти.

24. Давлат ва жамият ривожда фалсафий билимларнинг зарурлиги.
25. Фаннинг қадриятли жихатлари.
26. Фундаментал ва амалий фанларнинг ижтимоий-маданий детерминацияси.
